

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY FITN BILATARI
INV. №

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БУЛСИН!

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНДАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

- 2004 йил, 1 январь, пайшанба № 1 (1889).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Соғувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 1 января, 2004 г. № 1 (1889).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Авваламбор, мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамуликам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз, қадрили юртдошларимни ушбу кутлуг айём билан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Шу ҳаяжонли дақиқаларда барчамиз кириб келаётган янги йилни катта орзу-умидлар билан қарши олар эканмиз, шу билан бирга, яқинда егаётган йилда бошимиздан кечирган муҳим воқеаларни ҳам бахтиёр ҳаёлимиздан ўтказамиз.

Оқинг таи олишимиз керак — ўтиб бораётган йил юртимиз учун осон бўлгани йўқ. Эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда биз ўз олдимизга қўйган кўпгина марраларга етиб боришда анча қийинчилик ва тўсиқларга дуч келдик, айрим муаммоларни ечиши оғир кечди.

Айниқса, иқтисодий тармоқнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиқ соҳаси учун ноқулай келган об-ҳаво ва табиий иқлим машаққатларини енгилб ўтишга, бу йилги ҳосил учун жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келди.

Шуларга қарамасдан, 2003 йилда Ўзбекистон тарихида кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлидан изчил олга бориш йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ўзгаришлар, аввало, юртимизда бўлаётган катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий ва иқтимоий соҳалардаги ўсиш суръатларида, одамларнинг

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

ҳаёт шароити сезиларли даражада яхшиланиб бораётганида, миллий валюта—сўмимизни мустақамлаш, унинг эркин алмашувини таъминлашда ўз ифодасини топмоқда.

Бундай ижобий ҳолат, айниқса, халқимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инфляциянинг кескин камайишида, нарх-навонинг яшилдирилишида яққол намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткич 2002 йилда 21 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 4 фоздан ошмагани ҳам бунинг исботлаб турибди.

Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалмоқда, хориний шериклар билан ҳамкорлигимиз кўламини ва самардорлиги, уларнинг мамлакатимиз иқтисодийига киритаётган инвестициялари ҳажми ортиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, 2003 йилда иқтисодий тармоқнинг барча соҳаларида қўлга киритган натижаларимиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини оширишга, эркин демократик жамият барпо этишга, халқимизнинг ҳаётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди, десаю, асло хато бўлмайди.

Бунинг боисини — аввало дёримизда сақланиб кела-

ётган ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорликда, миллати, тили, дини ва этниқидан қатъи назар, одамларимизнинг онгу тафаккурида юртимиздаги тинч ва осуда ҳаётни ҳимоялаш керак, тинчлик учун курашиш керак, деган тушунчанинг тобора кучайиб бораётганида кўришимиз зарур.

Бунинг боисини — мана шу муборак замида яшаётган инсонларнинг кескин ўзгариб бораётган дунёқарашини, ҳаётга фаол муносабатини, мамлакатимизда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини, бугунги ва эртанги кунга бўлган ишончини, деб қабул қилишимиз даркор.

Мен ана шундай эзгу мақсад ва муддаоларимизни амалга оширишнинг иқодкори ва бунёдкори бўлганимиз, азиз юртдошларимга, шу йўлда қилаётган фидокорона меҳнатингиз учун, ҳаётимизни янгилаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага етказиш ишига қўшаётган ҳиссангиз учун яна бир бор барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мухтарам юртдошлар! Санокли дақиқалардан сўнг курантлар садоси юртимизга Янги — 2004 йил ки-

риб келганидан дарак берди.

Биз янги йилда жамиятимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини давом эттириш, аввало, изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу тоифанинг ҳаётимиздаги таъсири, улуши ва самарасини ошириш ҳисобидан ҳам давлат, ҳам оила, ҳам инсон иқтисодини юксалтириш мақсадини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Биз ҳаёт тақрибамизда ўзини оқлаган ибратли анъанага амал қилиб, янги йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилганимиз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаган сиёсатимизнинг мангидий давоми экани ҳам сизларга яхши аён, деб ўйлайман.

Бу борада бизнинг мақсади — мана шу эзгу ва савобли ишларимизга давлат идоралари ва жамоатчилигимизнинг эътиборини жалб қилиш, барча юртдошларимизни бу хайрли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшишга даъват этиш, аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг қалби ва онгида инсоний қадриятларини мустақамлашдан иборат.

Ишончим комилки, бағрикенг халқимизга Яратганимизнинг ўзи ато этган азалий фазилатлар — поғирлар, стим-есир ва бева-бечораларнинг бошини силаш, қаровсиз ва ёлғиз кексаларга, муҳтож оилаларга ёрдам ва кўмак бериш каби олижаноб аломатлар янги йилимизда янада ёрқин намоён бўлади.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга қарата, азизларим, бир-биримизни асраб-авайлайлик, бир-биримиздан меҳримизни дариг тутмайлик, меҳр-оқибатли бўлайлик, деб даъват қилмоқчиман. Бу даъват мана шу саҳоватли заминимизда истиқомат қиладиган инсонларнинг, бугун жамоатчилигимизнинг юрагига етиб боради ва акс садо беради, деб ишонаман.

Мухтарам ватандошларим!

Мана шу бетакорор ва шукхли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, сиз, азизларимга ўз ҳурмат-эҳтирминини билдириб, самимий тилакларимни исҳор этмоқчиман.

Янги йилда энг эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!

Янги йил ҳар қайси оила ва хонадонга яхшилик, бахтусаодат, файзу барака олиб келсин!

Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг бахтини берсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Школа сержантов в Чартаке

Прошлым летом Президент нашей страны Ислам Каримов во время поездки по Ферганской долине побывал в строящейся Чартакской школе сержантов. Руководитель государства ознакомился с ходом строительства школы, провел беседу с будущими сержантами. Особо остановился на роли сержантского состава в укреплении Вооруженных Сил страны.

В канун Нового года в Чартакском районе состоялось официальное открытие этого учебного заведения. В

своем выступлении кохин области Т. Джабаров отметил, что за годы независимости наши Вооруженные Силы постоянно укрепляются. Появляется возможность осваивать современную военную науку и технику в хорошо оборудованных военных центрах и на полигонах.

С поздравительной речью к военнослужащим обратился Командующий войсками Восточного военного округа генерал-майор И. Ахмедов.

Ильхом РАЗЗАКОВ,
корр. УзА.



Коллаж Н. ЛАПТЕВОЙ.

ЎЗ ПОСТИДА СЕРГАК

Янги йилни кутиб олар экансиз, қалбингизда қандайдир орзу, ниятлар бўлади. Бу сизни келажак сари умид, ишонч билан яшашга, қатъият, шижоат билан курашишга даъват этади. Бироқ, шу билан бирга, ортида қолган йилни ўзингизча сарҳисоб қиласиз. «Юртим, халқим учун, овоз ва обод Ватан истиқбол учун нимадир қила олдимми?», дея ўз-ўзингизга савол бериб, тарих саҳифасига битилган уч юз олтиш беш кундан уни излайсиз. Шу маънода оддий аскар Баҳодир Хусанов учун 2003 йил гоят ажойиб йил бўлди. Ҳаётида ёрқин из қолдириб, умр китобининг зарварақла-

рига битилди, бу йил. Посбон йилит ҳаво сарҳадларимизни қўриқлай туриб, хушёрлиги, сергаклиги, жасорати билан барчага намуна бўлди. Нагжада у истиқлолнинг 12 йиллик тўйи муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. Унинг мардлиги хусусида газета-миз орқали маълумот берганмиз.

Қаҳрамон аскар янги йилни ўз постида сергак, хушёр қаршилади. Ўзи масъул бўлган радиолокацион станция ёрдамида ҳаво сарҳадларимизни ҳимоя қилишда давом этди.

— Янги йилни иккинчи

бора армияда кутиб олаётган. Утган йил операторга ёрдамчи бўлиб, постда турганман. Бу сафар эса янги йилни мустақил оператор сифатида қаршиладим. Ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса содир бўлгани йўқ. Бир лаҳза ҳам чалғимасдан, хушёрликни қўлдан бермасдан вазифамизни бажардик. Командирларимизнинг ташаббуси билан Қорбобо либосидаги жамоадошимиз барча постларни айланиб чиқиб, жанговар навбатчиликдаги посбонларни, шу жумладан мени ҳам байрам билан қутлади. Янги йилда касбий маҳорагимизни янада оширишга аҳд қилганмиз. Ниятимизга этишши учун куч-гайратимизни аямаймиз, — дейди оддий аскар Хусанов.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● ШУНДАЙ САНАЛАР БОР

БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАГАН ҚОНУН

Аввало барча юртдошларимизни кириб келган янги йил билан муборакбод этамиз. Хўш, янги 2004 йилнинг дастлабки ойн бизга қандай саналар, муҳим воқеаларни туҳфа этади?

1 январь — Янги йил байрами. Қисм ва бўлинмаларимизда ҳам бу шодиёна зўр тантана билан нишонланади.

11 январь. «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун эълон қилинганга 10 йил тўлади. Маълумки, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган.

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов 1999 йил 13 январь кунини «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил этиш тўғрисида» Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга биноан 14 январь Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари кунини деб белгиланди. Мазкур санага бу йил 5 йил тўлади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини. 1992 йилнинг 14 январида Республика

Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ республикамиз ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ қуролли кучларининг барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлири, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди. Шу сабабли мазкур сана Қуролли Кучларимиз ташкил топган кун сифатида тарихга кирди.

14 январь. Машҳур ўзбек рассоми Урол Тансиқбоев (1904—1974 й.) таваллудига 100 йил тўлади.


30 январь — таниқли ўзбек рассоми Мели Мусаев (1914—1969 й.) таваллудига 90 йил тўлади.

Пировардида шуни қўшимча қилмоқчимизки, кириб келган Меҳр ва мурувват йили юбилейлар, машҳур саналарга бой. Руқнимиз орқали бериб борилаётган маълумотларга эътибор берсангиз, келгусида бу хусусда тўхталамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Кўнгиллар завққа тўлди

Капитан Рустам Паршиев командирлик қилаётган ҳарбий жамоа шахсий тарихини Янги йилни шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Ҳарбий қисмда аввал «Болалар арчаси» деб номланган тадбир уюштирилди. Унга барча офицерлар, шартнома бўйича хизматчиларнинг оила аъзолари, фарзандлари таклиф этилди. Ранг-баранг товланб турган ям-яшил арча, тўқин байрам дастурхони, Қорбобо, Қорқиз барчага кўтаринки кайфият бахш этди. Ўз қўшиқлари, шеърлари, рақслари билан даврани қизитган кичкинтойлар Қорбободан ажойиб байрам совгалари олдилар.



Шўх мусиқа садолари, рақслар, дилрабо қўшиқлар нафақат жакжи ўғил-қизларни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам қувноқ дарага чорлади. Ҳарбий жамоа командири Рустам Паршиев, штаб бошлиғи ўринбосари капитан Муҳаммадjon Бурхонов, ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртоқлари — Мувожазхон Усканова, Адила Тўлаганова, Меҳри Сафарова ва бошқалар кириб келатган Янги йил — Меҳр ва мурувват йили билан каттаю кичкинчи самимий қутлаб, қалблариданги энг өзгү тилакларини билдиришди. Байрам баҳона катта лейтенант Шоҳрух Пирматовнинг сўзга усталлиги, даврани бошқариш қобилияти ҳам намён бўлди.

Бир сўз билан айтганда, «Болалар арчаси» тадбири ичининтойлар, уларнинг ота-оналари ҳаётидаги энг қувончли, унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди, десан, асло янглишмаймиз.

Албатта, ушбу қисмдаги байрам тантанаси шу билан ниҳоясига етгани йўқ. Янги йилни ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар ҳам катта шодиёналар билан нишонладилар. 30 декабрь кунини бўлиб ўтган байрам тадбирида туман ҳокимлиги, ички ишлар, «Намолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ҳам қатнашдилар. Ушбу тадбир махсус концерт

дастури билан бошланди. Айниқса, аскарлар ўртасида ўтказилган энг яхши қўшиқчи, қизилчи, рақос каби қувноқ танловлар қизгин кечди. Энг иқтидорли, қобилиятли аскарлар кашф этилди. Тадбирни ёш офицер — лейтенант Фаррух Норинбоев олиб борди.

Хулоса қилиб айтганда, пухта режалаштирилган байрам тадбирларининг мулоҳиба даражада ташкил этилиши ҳарбий жамоа аъзоларининг ўзаро уюшқоқлигини яна бир бор исботлади. Уларнинг яқинланган йилда эришилган ютуқларни янада мустақкамлашга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга иштиёқлари баланд эканлигини кўрсатди. Шундай экан, барча офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар, оддий аскарлар янги йилда бир-бирларига янада меҳрли, оқибатли бўлишларига, барча тайёргарликлар бўйича юқори натижаларни қўлга киритишларига ишонини мумкин. Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ўтказилажак тадбирлар эса улар учун илк синовдир.

Капитан Ҳошимжон УСКАНОВ, қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

“Я ВЕРЮ В ПОДЧИНЕННЫХ”

Отличными успехами в боевой и обществено-политической подготовке встречает Новый год, 12-ю годовщину Вооруженных Сил и День защитников Родины расчет, где командиром орудия младший сержант по контракту Жасур Садиев.

Успехи данного воинского коллектива закономерны. Ведь войны с первого дня нового учебного года и зимнего периода обучения не теряют ни одной ценной минуты. Их даже в свободное от службы время можно было видеть то в спортгороде, то в специальном классе за чтением технической литературы, то в комнате общественно-политической информации.

Накануне Нового года на полевых занятиях по специальной подготовке войны-артиллеристы этого расчета продемонстрировали возросшее боевое мастерство. Все поставленные командиром учебно-боевые задачи наводчик орудия рядовой Ориф Халилов, заряжающий рядовой Исмаил Тураев выполнили качественно и в срок.

— Так будет всегда, — говорит командир орудия младший сержант по контракту Ж. Садиев. — Я так уверенно могу заявлять, прежде всего опираясь на своих подчиненных рядовых О. Халилова и И. Тураева. А они, я знаю, никогда не подведут.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

В БОРЬБЕ ЗА СЕКУНДЫ

В преддверии Нового года воины подразделения, которым командует лейтенант Одил Муродов, развернули соревнование за достойную встречу Дня защитников Родины. Достигнутые успехи радуют, но достигаются они в результате упорного ратного труда.

Так, к примеру, на одном из последних занятий мотострелки отработывали норматив по посадке и высадке из боевых машин пехоты. В который раз прозвучала команда руководителя занятия «К машине», а секундомер был неприступен, показывая, что до выполнения требований норматива не хватает нескольких секунд. Конечно, можно было бы перейти к следующему вопросу, но офицер не спешил. Он верил, что назначенные им на период занятий командирами секций рядовые Бахром Исаков и Камрон Шомуродов сумеют воодушевить сослуживцев, чтобы исполь-

зовать их резервы для преодоления завесной черты.

В перерыве Бахром и Камрон еще раз проанализировали действие каждого члена экипажа и десантной секции, объяснили новичкам, в чем их ошибки, где происходят задержки. Еще одна попытка — и норматив взят!

Нет сомнения, что это стало возможным благодаря здоровому соперничеству двух секций и требовательности командиров, не допустивших послабления даже в предпраздничный день. С хорошим настроением возвращались в расположение части мотострелки. Они преодолели себя и были горды этой маленькой победой.

— В следующий раз секунд будет меньше, — говорили они, — ведь еще есть время продемонстрировать свое высокое мастерство и боевую слаженность.

Лейтенант А. МУХАММЕДОВ.

Астойдил ҳаракат қилмоқда

— Халқимизда «Янги йилни қандай кутиб олсанг, уни шундай ўтказасан», деган гап бор, — дейди лейтенант Озод Абдувалиев. — Ўз навбатида мен ҳам муносиб ҳозирлик кўришга ҳаракат қилдим.


Дарвоқе, лейтенант О. Абдувалиев бошчилигидаги мивомётчилар гуруҳи яқиний синов машғулотларида яхши натижаларни кўрсатган эди. Бунда, албатта, ёш лейтенантининг, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти бу йилги битирувчисининг ўқиш даврида тўплаган билим ва тақрибаси асқотди. Қолаверса, бу каби синов

машғулотларида унинг илк бора офицер, командир сифатида қатнашиши эди.

— Бу йил мен учун омадли келди. Ишонманки, давом этаётган янги ўқув мавсумида ҳам гуруҳим билан нўзланган мақсадга — аъло баҳолар ва юқори натижаларга эришамиз.

Катта шодиёна — Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик тўйини аъло хизматимиз билан кўнгилдагидек кутиб олишни ният қилиб қўйдик. Уни амалга ошириш учун жамоамизнинг ҳар бир аъзоси астойдил ҳаракат қилмоқда.

Тўқини ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.



Қисм клуби бошлиғи катта лейтенант Шомуродов ҳарбий жамоа Янги йилни муносиб даражада кутиб олиши учун қизгин ҳозирлик кўрди. Қизилқарли, кўнгил-

очар тадбирларни режалаштирди. Бу ишда унга аълочи посбонлар яқиндан ёрдам бердилар.

Александр МРУЧАК олган сурат.

АЙЕМ АЖОИБОТЛАРИ

Янги йил байрамид энг зўр мусобадалар Норвегияда бўлиб ўтди. Бу мусобада «Ким энг катта Қорбобо...» деб номланган.

Мана бу воқеани эса ҳақиқий ҳақиқий деса бўлади. 1997 йилда англиялик 67 ёшли Харрисон исми...

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

САМАЯ ВЫСОКАЯ ЕЛКА В МИРЕ

В южноамериканской стране Эквадоре, расположенной на самом экваторе, как и Нового года.

ОБЕЗЬЯНЫ В ОБРАЗЕ

В Японии есть статуя обезьяны, на pedestal которой изображены еще три макаки, закрывающие ей глаза.

Table with TV channel logos (TRB, RENNY, etc.) and program listings for various channels.

ЯНГИ ЙИЛ ХАНДАЛАРИ

Янги йил киришига ўнг-тўрт соат қолганда бир ўнг-тўрт сартошхонага кирди. Сартарош юз-қўнғига қўнқ чаплай бошлаганидаёқ...

Янги йил киришига ўнг-тўрт соат қолганда бир ўнг-тўрт сартошхонага кирди. Сартарош юз-қўнғига қўнқ чаплай бошлаганидаёқ...

Янги йил киришига ўнг-тўрт соат қолганда бир ўнг-тўрт сартошхонага кирди. Сартарош юз-қўнғига қўнқ чаплай бошлаганидаёқ...

Янги йил киришига ўнг-тўрт соат қолганда бир ўнг-тўрт сартошхонага кирди. Сартарош юз-қўнғига қўнқ чаплай бошлаганидаёқ...

Янги йил киришига ўнг-тўрт соат қолганда бир ўнг-тўрт сартошхонага кирди. Сартарош юз-қўнғига қўнқ чаплай бошлаганидаёқ...

5 ЯНВАРЯ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Тахлилнома»
8.50 «Юнус Ражабий»
9.15 «Истеъмолич»
9.35 «Кухня замани оханлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 «Новости»
10.05 «Камалат»
11.30 «Ўхшармайл»
12.05 «Курсатувдан курсатувла»
12.30 Концерт»
12.55 «Келин-куёв»
13.30 «КиноТеатр»
14.10 «Куч — билим ва тафаккурда»
14.45 «Кичкина маллика»
16.10 Мусиқий танаффус»
16.20 «Бир кулишайлик»
16.35 «Болалар сайраси»
18.10 «Талантлар маскани»
18.30 Бир жуфт қуш»
18.45 «Ажаб саодат эрур»
19.05 «Собеседник»
19.30 «Ахборот» (рус.)
20.00 Вечерние сказки»
20.15 Биржевые и банковские вести»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Келин-куёв»
22.15 «Оштин»
23.15 «Ахборот-дайджест»

- 15.05 Почта «Нового поколения»
15.20 «Евровидение»
16.40 Музыкальные минуты»
16.50 «Жек ва лавия қоллар»
17.40 География мпра»
18.30 Газал соғинчи»
18.50 Золотое наследие»
19.00, 22.00 Давр»
19.40 Голос молодежи»
20.00 XX аср узбек шеърлари»
20.15 Музыкальные минуты»
20.35 ТВ-адабул»
20.45 «Галадул»
21.30 Кишлордаги тенгдошим»
21.50 Золотое наследие»
22.45 Интерфутбол»

17.20 «Луна Фернанда»

- 17.45 «Экран — деган»
17.55 «Международные новости»
18.00, 20.50 «Экспресс»
18.10 «Медицина для Вас»
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пошта»
18.45 «Табриклаймиз-кутлавлар»
19.15 «Международные новости»
19.20 «Под углом 23,5»
20.20 «Авто-юнос»
21.00 «Человек и закон»
21.20 «Шальные деньги»
22.20 Кинооқо»
22.30 «Назад в будущее»
3.00 «Будьте здоровы»
3.45 Комедия «28 дней»
8.35 «В «Горю»
9.35 «Спортинг»
10.05 «Русалка»
10.25 «Король небес»
17.10 «Молодцы»
17.30 Чемпионат Азии по борьбе куран»
17.50 «Спорт — моя жизнь»
18.10 Олимпиадские игры»
18.30 «Шутка за шуткой»
19.10 «Земля любви, земля надежды»
20.00 Жди меня»
21.00 Время»
21.40 «Мы — спортивная семья»
21.50 Фильм «Незнакомый мальчик»
22.30 «Спорт мира»

- 6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 5.00 «Новости»
9.05 Суперфильм «Мумия»
11.40 Следствие ведет Колдубок»
12.20 Фильм «Колхоз Интереймент»
14.10 Город женщин»
15.00 «Новости (с субтитрами)»
15.20 «Угадай мелодию»
15.50 «Берег мечты»
16.50 «Большая стирка»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)»
6.30 «Победитель года»
9.00 «Ураганчик»
9.30 «Сделка жизни»
11.30 «Последний ноябрь»
13.30 «Под прицелом»
15.30 «Борьба за выживание»

18.30 «Шутка за шуткой»

- 19.10 «Земля любви, земля надежды»
20.00 Жди меня»
21.00 Время»
21.30 Боевик «Поцелуй дракона»
23.20 Криминальная Россия»
23.50 Искатели»
00.20 «Скнер»
00.50 Фильм «Клетка для птешек»
2.40 Приключенческий фильм «Тени всадников»
4.20, 5.05 Новый день»
3.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45, 11.50, 14.25, 17.50, 2.40 Вести. Дежурная часть»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Вести»
9.30, 12.10, 14.40, 18.30, 21.50 Местное время. Вести — Москва»
9.50 Фильм-сказка «Приключения Буратино»
10.55 Сериал «Смотрящий вниз»
12.30 «Что хочет женщина»
13.30 «Сам себе режиссер»
15.10 Детектив «Маросейка, 12»
16.50 Мелодрама «Подружка Осень»
18.50 Спокойной ночи, малыши»
18.55 Фильм «Таинные дворцовые перевороты»
22.30 Комедия «Шампань»
00.40 «Страна и мир»
9.00 Музыкальный канал»
9.40 Мультифильмы для детей»
11.25 «Десятое королевство»
12.25 Пародийная комедия «Алексей небесскреб»
14.20 «ДМБ»
15.55 Мультифильмы для детей»
17.50 Трагикомедия «Здравствуй и прощай»
19.45 «Классика юмора»
20.00 Пародийная комедия «Коммюри»
00.10 Новый год в деревне Дураков»
00.30 «ДМБ»
2.00 Эротический фильм «Город наслаждений»
3.50 Ночной музыкальный канал»

16.00 «Нежность»

- 17.30 «Вес воды»
20.00 «Чужое кино»
20.30 «Борьба за выживание»
21.00 «Ангел мести»
23.00 «Король приключений»
1.00 «История о привидениях»
1.30 «Легенда о тигрице»
3.30 «Чужое кино»
4.00 «История о привидениях»
6.10 Комедия «За бортом»
8.00, 10.00, 12.00, 15.00, 17.00, 19.00, 22.00 Сегодня»
8.30 Детское утро на НТВ»
8.50 «Просто цирк: Цирк на воле»
9.25 «Такая жизнь?»
10.25 «Дикий мир: Рождественский миф»
11.15 «Стиль от...»
12.30 Ангелина Варум»
13.00 Детектив «Зеленый фургон»
14.25 «Вингизне: розыск»
15.00 «Принцип Домино»
17.25 «Она написала убийство»
18.25 «Петербург от А до Я»
19.35 Фильм «Леди Гамильтон: Между бесчестьем и любовью»
21.35 «Приватный танец»
22.30 Комедия «Шампань»
00.40 «Страна и мир»
9.00 Музыкальный канал»
9.40 Мультифильмы для детей»
11.25 «Десятое королевство»
12.25 Пародийная комедия «Алексей небесскреб»
14.20 «ДМБ»
15.55 Мультифильмы для детей»
17.50 Трагикомедия «Здравствуй и прощай»
19.45 «Классика юмора»
20.00 Пародийная комедия «Коммюри»
00.10 Новый год в деревне Дураков»
00.30 «ДМБ»
2.00 Эротический фильм «Город наслаждений»
3.50 Ночной музыкальный канал»

Table with TV channel logos (TRB, RENNY, etc.) and program listings for various channels.

Table with TV channel logos (TRB, RENNY, etc.) and program listings for various channels.

Table with TV channel logos (TRB, RENNY, etc.) and program listings for various channels.

Table with TV channel logos (TRB, RENNY, etc.) and program listings for various channels.

МЕХРДАН ЧАРОҒОН КЎНГИЛЛАР

Янги йил ўзига хос байрам. Уни ҳамма яқинлари даврасида ўтказишни истайди. Бирок, бахтга қарши уни кимдир хизмат жойида, кимдир йўлда, яна кимлардир шифохонада кутиб олишга тўғри келади. Нима бўлганда ҳам янги ўша онда барчанинг қалбида, тилагида фақат эзгу вият бўлишига, яқинлари меҳрини ҳис қилиб туришига йима етсин.

Қутлуг қадам ила кириб келган Янги — 2004 йилимиз Меҳр ва мурувват йили деб аталди. Инсонийлиги юксак, танти халқимиз бу борда ўзининг бағрикенглигини ҳар доимгидек исботлаши, шубҳасиз. Бу ҳолат Янги йил арафасидаёқ ўзини ҳамойён этди.

Мана, байрам арафасида биз Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталида. Янги йилнинг ташриф буюришига бир

кун қолган. Бу ердаги беморларнинг асосий қисмини ҳарбий хизматчилар ташкил этади. Беморликлари сабаб улар байрам қувончини сафдошлари ёки оилалари даврасида эмас, госпиталда кутиб олишга мажбурлар. Аммо уларнинг кўнгиллари кўтариш, руҳий таянч бўлиш учун Янги йил олдида нафақат уларнинг яқинлари, балки ҳарбий шифокорлар ҳамда қуролдош дўстлари ва командирлари қўлларидан келганча меҳрибонлик ва гамхўрлик кўрсатишлари аниқ.

Биз шу ерда даволаётган барча беморларимиз ва госпиталь ишчи-ходимлари, хизматчилари учун Янги йил байрамини кўнгилли ва эсда қоларли даражада ўтказишга астойдил ҳаракат қилаёмиз, — дейди Марказий ҳарбий клиник госпиталь бошлигининг ўринбосари тиббиёт қисми бошлиги подполковник Шарофиддин Ғуломов. —

Байрам олдида, яъни 29 декабрь куни ҳарбий шифохонамизнинг катта йиллар залида «Ўзбекиво» санъаткорлари ижросида ажойиб Янги йил шодийнасини тақдим этдик. Бу, айниқса, даволанаётган аскар ўғлонларимизни жуда мамнуи этди. Байрам куни эса улар учун Янги йил дастурхони тuzаймиз. Мақсадимиз — бемор посбонларимиз кириб келаётган Меҳр ва мурувват йилини ўз меҳрибонлари даврасида кутиб олаётгандек ҳис қилишсин.

Биз турли касалликлар сабаб, ҳарбий кийимни маълум муддатга беморлик либосига алмаштирган оддий аскарлар — Гавҳар Шокиров, Мурод Бердиев, Истам Икромов, Абдулазиз Назаровлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг кўтаринки кайфияти бизни қувонтирди. Бу меҳрдан чароғон кўнгиллarga биз ҳам эзгу тилаклар билдирдик. Ҳа, Янги йилни қарда кутиб олмайлик, яқинларимиз меҳри тафтидан баҳраманд бўлиш барчамизга насиб этсин. Янги йилнингиз қутлуг бўлсин, азизлар!

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

УЙИМИЗГА ҚОРБОБО КЕЛДИ (ҲАНГОМА)

Бозорга кетаётган эдим олдимдан лоп этиб Қорбобо чиқиб қолди. Оппоқ соқол-мўйлови ўзига ярашган, эғнида тўпигига тушадиган қизил тўн. Қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан менга салом бергач, дарҳол мақсадга ўтди.

— Ушакон, сув текинга заказ оламиз. Уй адресингизни айтсангиз бас. Жияларим Янги йил оқшомида падаркаларнинг «додоҳўжа»сини олишади. Табрик, қўшниқ айтиш, мушак отиш ўзимизнинг ҳисобдан. Эсдалик учун суратга ҳам туширамиз.

Анграйиб турганимни кўриб, овозинг бир парда кўтарди.

— Э, укагинам! Пул нима ўзи? Қўлинг кири. Бугун бор, эртага йўқ. Жияларимнинг бир хурсанд бўлгани олтиндан қиммат эмасми, а?!

Жуда таъсирланиб кетдим. «Ақлингга балли, Қорбобо!».

— Қанчага борасизлар? — Ўзи ўттиз минг. Сиз учун йигирма.. э, боринг, ўн беш минг. Аммо-лекин пул бермасангиз ҳам савоб учун текинга хизмат қилаверамиз.

Савдолашиб ўтирмай Қорбобонинг кўлига закат пулини тутқаздим. Адресимизни, болаларнинг исминини ён дафтарчасига ёзиб олди.

Қорбобонинг уйга келишини хотинимга ҳам айтганим йўқ. Бир ҳанг-манг бўлиб қолсин, дедим. Ниҳоят, орзиқиб кутилган Янги йил оқшоми ҳам этиб келди. Тўқин дастурхон атрафида ўтирибмиз. Уғил, қизлар «Қачон Янги йил кираркан», дея нуқул соатга қарашди. Менинг ҳам ҳаяжоним уларикидан кам эмас. Вақт намунча секин ўтмаса, а...

Ана, соат роппа-росса ўн икки! Яна беш минут ўтди. «Нима бало, адашиб қолишдимикан? Йўғ-е, кўчамизни яхшилаб тушунтирувдимку».

Худди шу пайт эшик қўнғироғи жириглади. Кенжа ўғлимнинг «Қорбобо! Ҳақиқий Қорбобо!!!» деган овозини эшитиб, болалар бараварига «Яшасин!» деб қийқирганча йўлакка югуриш-



ди. Хотинни изидан қўллари белимга қўйиб, мен ҳам этиб келдим. Тошоша аллақачон бошланиб кетган экан. Совғалар улашилган, болаларнинг оғзи қулоғида. Қорбобо билан Қорқиз, яна бир-иккита ёрдамчиси сак-раб ўйнапти, қўшниқ айта-япти. Осмонга мушак ҳам отилди.

— Энди, уйда суратга тушамиз! — деди Қорбобо узун ҳассасини ерга уриб.

Азиз меҳмонларни ҳурмат билан ичкарига бошладик. Хурсандчиликда унча пай-қаммаган эканман. Уйга узун-қисқа, катта-кичик бўлиб иккита «арслон», учта «бўри», бешта «қуён», битта «тулки» кириб келди. Яна бир жуфт «сичқонча» ҳам бор экан. Кейин кўриб қолдим. Аввал тинка туриб, сўнг дастурхон атрафида ўтириб, эсдалик учун суратга тушдик. Бир оғиз «чоғи ичиб кетинглар», деганимни биламан, бари дастурхонга ёприлди. Атиги ярим соат ичида торт, мева-чева, мураббо, конфет, пис-та-бодом, ёнғоқ-майизу шўрдавандан асар қолгани йўқ. Обдон очтиқан сеvim-ли қаҳрамонларига раҳми келган болалар боғина олган совғаларини стўлга қўйгач, улар ҳам бир зумда адо бўлди.

Хуллас, Янги йилни анж шундай кутиб олдик. Ўша кеча Қорбобою Қорқиз овқатга бўкиб қолди. Меҳмондорчилик учун ота-она, ака-укалар номидан еб тўймак «сичқонча»лар бир оғизгина миннатдорчилик билдиришди. Ун беш минг сўм пулини ҳам ўшалар қуртдек санаб олишди. Майор Азимбек УСМОНОВ,

● 2004 ЙИЛ — «МЕХР ВА МУРУВВАТ» ЙИЛИ

ҲАЁТ МАКТАБИНИНГ БОЛАЛАРИ

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Ёш Авлод тарбиясига катта эътибор қаратилди. Уларни юмол инсон этиб воёга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Полковник Бахтиёр Ибрагимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда айнан шу сиёсатнинг амалдаги исботини кўришингиз мумкин. Қисмда фаолият кўрсатаётган оркестрнинг ташкил топганига тўққиз йилча бўлиб қолди. 2003 йилнинг октябрда оркестрга меҳрибонлик уйларининг мусиқий иқтидори бор тарбияланувчилари махсус танлов асосида танлаб олинди. Бу болалар ҳақида алоҳида мақола тайёрлаш режамизга киритилган. Биз, бугун, болаларни оркестрга жалб қилиш билан қанчалик катта савоб ишга қўл урилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. 2004 йил ўтган йилимиз

нинг мантқиқий давоми сифатида «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Меҳр ва мурувват халқимизга хос фазилатдир, десак, муболага бўлмайди. Армияни эса халқдан айро тасаввур қилишимиз мумкин эмас. Кичкинтой аскарлар учун яратилган шароит уларни ҳар томонлама қонқитиради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист майор Авазбек Маллабоевнинг номи кўпчиликка яхши таниш. Айни дамда бу инсон оркестр бошлиғи ҳисобланади. Оркестрнинг ёш тарбияланувчилари билан асосан катта инструмент шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Раҳматуллаев шугулланади. Янги йил байрами тантаналари кунда оркестрнинг хизмати, юмушлари кўпайгандан кўпайди. Барчага бирдек кадрли байрамнинг шуқўҳли ўтишида унинг алоҳида ўрни бор.

Қисқа вақт ичида каттагина концерт дастури тузишга муваффақ бўлинди. Бунда оркестр билан ишлашда ёрдам берувчи шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Бахтиёр Сиддиқов, катта инструмент Хайрулло Жўрабосевларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Оркестр ижросидаги қалбни қисқабунга келтирадиган «Ўзбекистон», «Ватан», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» маршлари, «Баҳор», «Карнавал» вальслари янги йил байрами тантаналарига алоҳида файз бағишлаши шубҳасиздир. Барчага қувонч улашаётган оркестр жамоасининг ёш тарбияланувчиларига янги йилда омад ва бахт ҳамроҳ бўлишини истаб қоламиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

● ГДЕ И КАК ВСТРЕЧАЮТ НОВЫЙ ГОД? Новогодние традиции, обычаи

Новый год — один из самых веселых и радостных праздников народов мира. Ни в одном празднике не проявляются так ярко характер народа, его обычаи и традиции, как при встрече Нового года.

С античных времен существует традиция в день Нового года обмениваться подарками. Люди желают друг другу только радости и счастья, здоровья и успехов. Эти милые новогодние обычаи родились еще за 150 лет до нашей эры, когда древними римлянами были установлены основные «правила» проведения новогоднего праздника.

На Кубе уходящему году дают «светлую дорогу» обильными струями светлой воды. Поэтому заранее водой наполняются все кувшины, и в полночь целые потоки льются из окон на улицу. Когда часы начинают отбивать 12 ударов, надо успеть с каждым ударом стечь по виноградине для удачи.

В Японии главная «задача» в это время — очиститься от пороков, которых всего шесть: злость, алчность, глупость, легкомыслие, нерешительность и жадность. Причем каждый из них имеет 18 оттенков. Поэтому на-

до взять колокольчик и в новогоднюю полночь отбить 108 ударов (это же делается и во всех храмах). С каждым ударом человек якобы освобождается от порока, а после надо сразу лечь спать, чтобы утром с лучами восходящего солнца встретить новый год очищенным от грехов. На праздничном столе в это время должны быть макароны — символ долготы, кушанья из гороха, означающие здоровье, и рисовые печенье — изобилие в семье.

Встреча Нового года, жители болгарских городов выходят на балконы с бокалами шампанского в руках. Они адресуют всем соседям новогодние пожелания, переговариваясь через улицу. Молодежь, переодетая в разные наряды, с колокольчиками на поясе, в смешных масках устраивает различные игры, гуляя по улицам с веселыми шутками и песнями.

Подготовил Н. ЧУРСИНОВ.

38 ёшли мисрлик Холдид Ашта тарихда ном қолдиришининг ўзига хос йўлини топди. Унинг исми оила ҳуриш ва ажралишда «Гиниснинг рекордлар китоби»га энг катта кўрсаткич бўлиб ёнлиши мумкин. Рекордлар китобининг ваколатлигига юборган ҳужжатларида у ўзининг 60 марта уйланганини исбот қила олишини маълум қилган.

Хотинларининг орасида унинг 17 таси ўз миллатига

● ТУРФА ОЛАМ ОЛТИНШ МАРТА УЙЛАНГАН

мансуб, қолганлари 28 миллатдан ташкил топган. 43 таси чет эллик. Энг кам ниқоҳда турган вақти 48 соат, энг кўп тургани уч йил экан. У ўзи хотинларининг биронтасини ҳам алдамаганини, уларга аввалги хотинларининг сонини айтиб огоҳлатирганини одамларга кўз-

кўз қилади. Шундай бўлса ҳам аёллар унга турмушга чиқишга розилик беринган, Ажабланарлиси шундаки, унга турмушга чиқадиган қиз ва жувонларнинг биронтасини унга розилик билдиргани учун гап-сўз қилишмаган.

З. НСОҚОВА тайёрлади.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

РАЗМЕСТИТЕ
Свою рекламу
или объявления
в газете
«Ватанпарвар»
7.00
до 18.00

АДРЕС: УЛ. КУНАЕВА, 21
ТЕЛ: 56-54-76
(ориентир отел «Гранд Мир», бывшая гостиница «Россия»)

КУПЛЮ

● Значки, марки, открытки, монеты, нагрудные значки, часы. Т.: 68-49-19.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 30 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюта-

● Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БН, вело. сипед, ст. маш., «Киргизия», раб. и не раб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

ларнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади! /

1 АҚШ доллари 980,00
1 евро 1219,81

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг 12 йиллигига



Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг 12 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни тантанали нишонлаш дастурига мувофиқ Қуроли Кучлар Марказий музейи Қўрғазмалар залида 2004 йил 14 январь арафасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуроли Кучлар фахрийлари бадий ижодиётининг IV Умумармия кўрғазмаси очилади ва ўтказилади.

Бадий ижодиёт кўрғазмасида қатнашиш учун рассомлик ишлари (тематик ва жанрларга оид), портрет, пейзаж, (манзара), натюрморт, расмлар, графика, халқ-амалий санъати буюмлари, кулчилик (керамика), ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлик, тў-

қувчилик, бадий каштадўзлик, заргарлик ишлари тақдим этилиши мумкин.

Қўрғазма голиблари ва совриндорларга пул мукофотлари (1-ўрин — 30 минг сўм; иккита 2-ўрин — 20 минг сўмдан; учта 3-ўрин — 15 минг сўмдан) ва дипломлар топширилади.



**КОМАНДИРЛАР,
УЛАРНИНГ
ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР
БУИИЧА
УРИНБОСАРЛАРИ
ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР
КЕНГАШИ РАИСЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!**

Ишлар муаллиф ҳақида маълумотлар (анкета) билан биргаликда, 2001 йилнинг 5 январига Қуроли Кучлар Марказий музейига юборилиши лозим.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

11 январия 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат қиламан», подготовленный Военной студией Министрства обороны Республики Узбекистан.

В этой передаче тележурналисты Военной студии расскажут о ратных буднях воинов-узбекистанцев и о том, как военнослужащие Вооруженных Сил нашей страны готовятся отметить свой профессиональный праздник — День защитников Родины и 12-ю годовщину со дня образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Авторы подготовят и видеоряд сюжетов в постоянных рубриках передачи.

Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 154

от 25.12.2003 г.

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Салазки. 8. Камелек. 10. Слякоть. 13. Завал. 14. Пурга. 15. Брасс. 16. Пенал. 20. Метла. 21. Океан. 25. Ледокол. 27. Третьяк. 28. Коляска.


ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Шапозал. 3. Юкола. 4. Наргъ. 6. Берлога. 9. Склон. 11. Кадриль. 12. Фуфайка. 17. Декабрь. 18. Автор. 19. Галушки. 22. Беляк. 23. Холод.

ПО ДУГАМ ПО ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ: 2. Патрон. 24. Пальто.

ПО ДУГАМ ПРОТИВ ЧАСОВОЙ СТРЕЛКИ: 5. Метель. 26. Бурьян.

ПО КРУГУ: 29. Оленеводство.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. В нем холодно. 8. Ветер. 9. Поедательница железа. 11. Обувь на стальных полозьях. 12. Украшение. 13. Кусочек айсберга. 14. Вызывает зимой. 18. Площадка для театрального представления. 19. Музыкальный духовой инструмент. 21. Теплые чулки до колен. 23. Профессия. 25. Инструмент альпинистов. 27. На Севере теплая обувь. 29. Древние счеты. 31. Мелкое место реки. 33. Ледяная глыба. 34. Головной убор. 35. Сильный и резкий порыв ветра. 36. Осадки. 38. Перелетная птица. 39. Клуба. 40. Грубый человек (прост.).

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Слой льда без снега. 2. Рисунок. 3. Новогодняя красавица. 4. Где зимуют животные? 6. Перчатка. 7. Головоломка. 10. Форма газетного выступления. 14. Вместо рукавиц и перчаток (жен.). 15. Задержка, нагромождение (сни.). 16. Дикий осел. 17. Сторона света. 20. Настил из бревен. 22. «Падает» на Землю из космоса. 24. Расслабленность. 26. Она из снега. 27. Кресло монарха. 28. Грызун с ценным мехом. 30. Насекомое в стадии развития. 31. Зимнее двоеборье. 32. Из хлопка. 37. «Цветы» жизни. 38. Мера веса (базарн.).

Подготовила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Желательно не начинать ничего нового. Можно с успехом прекратить то, что вас тяготит. Гоните от себя неприятных людей и не ввязывайтесь в дела, которые чем-то смущают. Может задержаться или и вовсе не состояться запланированная поездка. В праздничные дни есть шанс встретить новых и интересных людей в кругу друзей.

ТЕЛЕЦ. На этой неделе ждут интересные встречи и знакомства. Почувствуете в себе такие силы, что будете готовы горы свернуть. Некоторые дела и события могут тормозиться. Не все будет происходить быстро, как хотелось бы. Не разочаровывайтесь в себе. Частично перенесите реализацию своих проектов на будущее и наберитесь терпения.

БЛИЗНЕЦЫ. Скиньте груз ненужных проблем. На этой неделе придется приложить немалые усилия для того, чтобы планы не были нарушены. Возможны мелкие бытовые проблемы, возникающие на ровном месте. Имеет смысл заняться укреплением дружеских связей с коллегами по работе. Активизируйте свою деятельность, начальство это заметит и оценит. Вероятно денежные поступления. Постарайтесь не срывать свое раздраже-

ние на близких людей. Будьте терпимее.

РАК. С первых дней нового года появится шанс социального роста. Залог успеха — в использовании личных и деловых связей. Это время запомнится обилием встреч и интересными знакомствами. Не откладывайте решение личных дел в долгий ящик. Хорошее время для подготовки документов и написания статей. Могут сбыться самые смелые мечты.

ЛЕВ. На этой неделе весьма желательно особенно высоко ценить свое время. Постарайтесь быть сдержанными на работе, иначе произведенное впечатление станет причиной неприятных разговоров. Вероятно много приятных сюрпризов, которые будут способствовать поддержанию праздничного настроения. Во второй половине недели желательно соблюдать разумную умеренность в делах и желаниях.

ДЕВА. Могут посетить реформаторские идеи, их логичность, стройность и почти математическая красота могут вскружить голову любому. Зафиксируйте их, потом пригодятся. Если не сможете найти им применение — издадите как научную фантастику. Обязательно уст-

ройте себе небольшую передышку. Бежать долго, в запарке, стараясь все успеть, не стоит, удовольствия никакого не получите.

ВЕСЫ. Соревнование с внезапными конкурентами может поглотить все мысли. Постарайтесь вовремя остановиться, тогда появятся все шансы на успех. Не рекомендуется заниматься делами, которые требуют большой ответственности. Не жалейте сил и времени. Вас могут пригласить на встречу в некое элитарное общество.

СКОРПИОН. Неделя сложится весьма благополучно, но при условии, если сохраните в тайне события, которые произойдут на работе. Можете обрести долгожданный ответ на давно волнующий вопрос, все окажется значительно легче, чем представлялось. Смело участвуйте во всевозможных авантюрах, особенно когда риск может себя оправдать.

СТРЕЛЕЦ. В начале недели будете выплывать важные планы, которые реализуются уже в начале года. Решение спорного вопроса лучше отложить. Не полагайтесь на советы друзей, они могут сбить с толку. Оптимизм и уверенность в себе сделают то, чего

не добились бы никакими ухищрениями.

КОЗЕРОГ. Многие мучившие проблемы уйдут вместе с окончившимся 2003 годом. Хороши дела, которые можно быстро закончить. Нежелательно начинать что-то новое, но если ситуация распрямится по-своему, не спросив разрешения звезд, то особое внимание уделяйте финансовой стороне дела.

ВОДОЛЕИ. Слова, которые могут повлиять на судьбу, будут произнесены на этой неделе, и жизнь изменится к лучшему. Все идеи, которые будут приходить, — будут замечательны. Дело остается за малым — воплотить их в жизнь. Будете изнемогать от недоделанных дел и суеты.

РЫБЫ. Если возьметесь за строительство, не берите в качестве основных материалов песок и воздух. Смотреть на жизнь нужно максимально прагматично. Не пожалейте, если проведете неделю в избранном кругу, куда допустят не каждого. Постарайтесь завершить все серьезные и неотложные дела.

Следующий номер газеты «Ватанпарвар» выйдет в свет 6 января.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба
кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Обуна бўлими — 56-03-46.

Маълумот, реклама — 56-54-76.

Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент
шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун
реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентли-
гида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп
этилди.

01-бўйртма,